

Adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 22.12.2017y.
2. Mirziyoev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. - Toshkent: "O'zbekiston" NMIU, 2017. - 488 b.
3. Qosimova G.A. Mahalliy byudjetlarni tuzish va ijrosini ta'minlash. O'quv qo'llanma. - T.: "Fan va texnologiya". 2007 y.

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Базаров Назиржон Собирович

*Тошкент халқаро молиявий бошқарув ва технологиялар университети
"Иқтисодиёт ва бошқарув" кафедраси доцент в.б., и.ф.н.*

Аннотация. Мазкур тезисда давлат харидларини такомиллаштириш йўллари илмий асосланган ҳолда таҳлил қилинган. Давлат харидларининг ҳозирги кундаги ҳолати, ундаги мавжуд муаммолар ва камчиликлар аниқ мисоллар билан очиб берилган. Шу билан бир қаторда, давлат харидларини амалга оширишда рақамлаштириш, электрон тизимларни жорий этиш орқали самарадорлик ва шаффофликни ошириш имкониятлари баён этилган.

Калит сўзлар: Давлат харидлари, давлат бошқаруви, харид тизимини такомиллаштириш, коррупцияга қарши кураш, харидларнинг рақамлаштирилиши, шаффофлик, иқтисодий самарадорлик, электрон харид тизими, халқаро индекс, давлат харидлари мониторинги, ислохотлар.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида давлат харидлари тизимида рақамлаштириш ва электрон бошқарув тизимларини жорий қилиш орқали коррупция ҳолатларига қарши курашишда ижобий натижаларга эришилмоқда. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг таҳлилларига кўра, электрон харид тизимларининг самарали ишлатилиши харажатларни камайтирибгина қолмай, давлат маблағларининг самарали сарфланишини оширади ва иқтисодий кўрсаткичларга ҳам сезиларли таъсир қилади.

Ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат харидлари тизимини электронлаштириш ва автоматлаштириш орқали нафақат жараёнларни тезлаштириш, балки коррупция хавфини ҳам сезиларли даражада камайтириши мумкин. Бу борада Жанубий Корея, Сингапур ва Европа Иттифоқи мамлакатлари тажрибаси алоҳида эътиборга молик бўлиб, ушбу мамлакатларда давлат харидларини рақамлаштириш орқали сезиларли иқтисодий самарадорликка эришилган.

Юқоридаги муаммолардан келиб чиққан ҳолда, ушбу тезиснинг асосий мақсади давлат харидларидаги мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш, унинг самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш ҳамда халқаро илғор тажриба асосида тизимни янада такомиллаштиришга йўналтирилган амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Давлат харидларини амалга оширишда юзага келётган муаммоларни бартараф этишга ҳамда соҳада шаффофликни таъминлашга қаратилган кўплаб тадқиқотлар олиб борилган.

Бу борада Т.Т. Атамуродов томонидан давлат харидларини амалга оширишда рейтинг тизимини жорий этиш орқали савдоларни тартибга солишни рағбатлантириш, бу ҳам буюртмачилар, ҳам етказиб берувчилар нуқтаи назаридан жорий этилиши алоҳида субъектлар кесимида такомиллаштиришга имкон беради деб таъкидлайди. Бу ҳолда, давлат хариди иштирокчиларига тўртта даражага рейтинг баҳолаш тизимини шакллантирилган.

Т.Б. Ғофуров томонидан олиб борилган тадқиқотларда товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилишда тендер жараётларининг очиқ бўлмаслиги сабабли коррупция ҳавфининг юқори бўлиши, натижада бюджет маблағларининг самарадорлиги пасайиши, электрон харидларнинг жорий этилганлиги давлат харидлари соҳасида шаффофликнинг ошишида муҳим омил бўлганлиги қайд қилинади.

Давлат харидлари – давлат буюртмачиларининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини пулли асосда таъминлаш жараёни¹⁷⁸ ҳисобланади.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра, давлат харидларини амалга ошириш ҳажмларига мезонлар белгиланган бўлиб, бунда электрон дўкон воситасида давлат харидларини амалга оширишда бир шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) харидининг базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)га нисбатан ҳажмлари, энг яхши таклифларни танлаш йўли билан харидларни амалга ошириш мезонлари шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилиши

Шунингдек, агар фармон ва қарорлар билан давлат буюртмачиларига тендер ўтказмасдан харидларни амалга ошириш ҳуқуқи берилса, харид қилиш тартиб-таомили давлат харидининг суммасидан қатъи назар танлаш орқали амалга оширилиши белгиланган.

Тезисда давлат харидлари соҳасида рақобат мухитини кенгайтириш орқали бюджет маблағлари самарадорлигини оширишда илмий билишнинг фундаментал методологияси асосида шаклланган бўлиб, индукция ва дедукция, диалектик бирлик, назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги, таққослаш ва ўхшашлик усулларида фойдаланилган. Тадқиқот давомида тизимли ёндашувни қўллаш орқали иқтисодий-статистик, тузилмавий-динамик таҳлил қилинган.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидларини амалга ошириш йўналишлари белгиланган бўлиб, уларга ягона етказиб берувчилар реестрига киритилган ягона етказиб берувчи билан, тегишли фармонлар ва қарорлар асосида, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш мақсадида, суд муҳокамаларида иштирок этиш учун адвокатни (вакилни) тайинлаш, нархи (тарифи) давлат томонидан тартибга солинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди, фавқулодда ҳолларда табиат ҳодисалари, эпидемиялар ва касалликлар тарқалишининг олдини олиш ёки унинг оқибатларини бартараф этиш, табиий офатларнинг ва техноген ҳалокатларнинг оқибатларини тезкор бартараф этиш, қўшимча ишларни ва хизматларни амалга ошириш учун шартнома умумий бошланғич суммасининг 10 фоизидан

¹⁷⁸ Давлат харидлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сон (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.04.2021 й., 03/21/684/0367-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.02.2024 й., 03/24/911/0142-сон; 28.11.2024 й., 03/24/1005/0977-сон).

ошмайдиган миқдордаги харажатлар, рўйхатга асосан айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг ва бошқа товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат хариди киритилган.

Қонунчиликда тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга ошириладиган суд муҳокамаларида иштирок этиш учун адвокатни (вакилни) тайинлаш бўйича давлат харидларини амалга оширишни электрон тарзда амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш соҳада инсон омилининг камайтиришга эришилади.

Олиб борилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, давлат харидлари тизимини такомиллаштириш истиқболлари ва имкониятлари атрофлича таҳлил қилинди. Давлат харидлари тизими мамлакат иқтисодиётининг самарадорлигини таъминлашда марказий аҳамиятга эга бўлиб, унинг оқилона ташкил этилиши бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, иқтисодий тежамкорликка эришиш ҳамда коррупция хавфини камайтиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Айни пайтда тизимда коррупция, ошкораликнинг етишмаслиги, электрон платформаларнинг тўлиқ жорий этилмаганлиги каби муаммолар мавжуд бўлиб, улар давлат харидлари самарадорлигини сезиларли даражада камайтирмоқда.

Давлат харидларини амалга ошириш учун ягона марказлаштирилган электрон платформани яратиш, харид жараёнларини реал вақт режимида мониторинг қилиш механизмини шакллантириш, шунингдек, давлат харидларига оид қонун ҳужжатларида коррупцияга қарши механизмларни мустаҳкамлаш, жавобгарлик тизимини кучайтириш ва оммавий ахборот воситаларида жараёнларни кенг ёритиш орқали тизимни самарали бошқариш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Умуман олганда, юқорида келтирилган амалий тавсиялар ва илмий таклифларнинг давлат харидлари тизимига татбиқ қилиниши иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, коррупция хавфларини камайтириш ва иқтисодиётни янада барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Давлат харидлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сон (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.04.2021 й., 03/21/684/0367-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.02.2024 й., 03/24/911/0142-сон; 28.11.2024 й., 03/24/1005/0977-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» СТРАТЕГИЯСИ Тўғрисида ПФ-158-сон Фармони (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон; 29.12.2023 й.).

3. “Transparency International” халқаро ташкилоти томонидан эълон қилинган Коррупцияни қабул қилиш индекси маълумотлари, <https://www.transparency.org/en/cpi/2023> интернет сайти.

4. Bazarov N.S. “Prospects For Improving The Public Procurement Sector”. *Central Asian Journal of Innovations on Tourism Management and Finance (CAJITMF) 06 Issue: 04 | October 2025* ISSN: 2660-454X. 1283-1291.

5. Атамуродов Т.Т. “Давлат харидлари ташкил этилишини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари”. “*Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2020 yil. 266-274б.

6. Tursunov B.O. "Davlat xaridlari tizimini raqamlashtirish va korrupsiyaga qarshi kurashning dolzarb masalalari." *Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar jurnali*, №3, Toshkent, 2022, 45-56-b.

УКРЕПЛЕНИЕ ФИНАНСОВЫХ ИСТОЧНИКОВ СИСТЕМЫ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ: ПРИОРИТЕТЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ

Нурмухамедова Барно Исмаиловна

*Ташкентский государственный экономический университет,
кафедра «Финансы и финансовые технологии», доцент*

Современная стратегия развития Узбекистана базируется на синергии экономических реформ и социальной защиты. Программы по повышению конкурентоспособности экономики и международной интеграции тесно интегрированы с мерами по реформированию государственной службы и правового сектора. Конечная цель данных инициатив носит выраженный социально ориентированный характер: расширение рынка труда, рост уровня занятости и фундаментальное улучшение условий жизни граждан.

Узбекистан провозгласил себя «социальным государством», что закреплено в новой редакции Конституции Узбекистана. Приоритетом государственной политики является обеспечение всесторонней социальной защиты населения и реализация программы «От бедности к благополучию». Благодаря принятым мерам уровень бедности в стране снизился с 35% в 2016 году¹⁷⁹ до 6,8% в 2025 году¹⁸⁰. В Послании Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису и народу Узбекистана отмечены новые рубежи в сфере социальной защиты: «в 2026 году мы обеспечим постоянной работой 1 миллион человек, выведем из бедности 181 тысячу семей, снизим уровень бедности и безработицы до 4,5 процента, доведем количество махаллей, «свободных от бедности», до 3,5 тысячи»¹⁸¹.

«Хорошо продуманные и гибкие системы социальной защиты могут снизить риски, связанные с бедностью и нищетой определенных слоев населения, а также с непредвиденными событиями, и помочь им быстрее оправиться от их негативных последствий. Вместе с тем социальная защита должна выполнять важные функции, такие как установление социального диалога между государственным сектором и населением, организация коллективных действий в защиту прав и интересов трудящихся, предотвращение социального неравенства и социальной изоляции, регулирование социальных норм, правил и процедур, ограничивающих доступ граждан к экономическим и социальным правам, а также устранение возникающих на этой основе проблем»¹⁸².

¹⁷⁹ Нурмухамедова Б.И. Финансовые аспекты социальной защиты населения в Узбекистане // *Moliya, pul va kredit*. – 2025. – Том 5. – С. 272-278. – <https://mpkjournal.com/index.php/MPK/article/view/109>

¹⁸⁰ Фуқаролар учун бюджет. // Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Ахборот нашри. <https://openbudget.uz/api/v2/info/file/f953b2c8d5aa369ffbc954fcb6e66d74>

¹⁸¹ Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису и народу Узбекистана. <https://president.uz/ru/lists/view/8834>

¹⁸² Нурмухамедова Б.И. Финансовые аспекты социальной защиты населения в Узбекистане // *Moliya, pul va kredit*. – 2025. – Том 5. – С. 272-278. – <https://mpkjournal.com/index.php/MPK/article/view/109>